

Date: 29<sup>th</sup> June-2025

**ЕРГА ОИД МУНОСАБАТЛАРДА ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШУВИ.**

**Аъзамов Элдор Искандар ўғли**

Бош прокуратура, 32 - бошқарма катта прокурори

**Аннотация:** Ушбу мақолада ер муносабатларига оид қонунчилик такомиллашуви масаласи тушунтирилган. Ўзбошимчалик билан ерларни эгаллаш бўйича кодексларга киритилган ўзгартишлар келтирилган. Янги Ўзбекистон концепцияси шароитида қонунларни такомиллаштириш бўйича мисоллар келтирилган

**Калит сўзлар:** Ўзбошимчалик, ер, қонунчилик, кодекс, прокуратура, ваколат, муносабат, ҳуқук.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается вопрос совершенствования законодательства, касающегося земельных отношений. Представлены поправки к кодексам о незаконном захвате земель. Приведены примеры совершенствования законодательства в условиях новой концепции Узбекистана.

**Ключевые слова:** произвол, земля, законодательство, кодекс, прокуратура, власть, отношение, закон.

**Abstract:** This article discusses the issue of improving legislation concerning land relations. Amendments to the codes on illegal land seizure have been submitted. Examples of improving legislation in the context of Uzbekistan's new concept are provided.

**Keywords:** arbitrariness, land, legislation, code, prosecutor's office, authority, attitude, law.

Ер муносабатлари энг аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган тамойилларга асосланиб, асосий бош қомусимизда мамлакатимиз ҳуқуқий тизимининг ривожланишини омили сифатида намоён бўлади. Инсон, унинг хаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр қиммати олий қадрят хисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очик ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида хозирги ва келажак авлодлар олидаги юксак масъулиятимизни англаган холда, давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек жаҳон цивилизациясига бекиёс хисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига асосланган холда, фуқароларнинг муносиб хаёт кечиришини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни, кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлиги ва гуллаб яшинашини таъминлашни мақсад қилган холда қабул қилинган бош қомусимизнинг 68-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув ўсимлик ва хайвонот дунёси хамда бошка табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир. Ер қонунда назарда тутилган хамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий

# **CONTINUING EDUCATION: INTERNATIONAL EXPERIENCE, INNOVATION, AND TRANSFORMATION.**

## **International online conference.**

Date: 29<sup>th</sup> June-2025

бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин<sup>3</sup>” деб белгилаб қўйилди.

Ушбу конституциявий қоидаларни амалга ошириш инсон ва фуқаронинг хуқуqlари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган маҳсус давлат-хуқуқий механизмларини яратишни талаб қиласди. “Ер умуммиллий бойликдир, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади<sup>4</sup>”.

Ер билан боғлиқ низоларни қўриб мазмунан ҳал этиш борасида Ўзбекистон ўз миллий тажрибасига эга.

Ерга оид хуқуқий муносабатлар деганда – ер ресурсларини бошқариш, уни қўриқлаш ва ҳимоя қилиш, юридик ва жисмоний шахсларга ер участкалари ажратиш, ер участкаларига эгалик қилиш ва фойдаланиш жараённида келиб чиқадиган хуқуқий ва бошқа ашёвий муносабатлар тушунилади.

Жумладан, ерларни ўзбошимчалик билан ўзлаштириш ҳам ерга оид хуқуқбузарлик муносабати ҳисобланади.

Қонунларни бир хилда бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси олдидаги асосий вазифа ҳисобланади.

Хозирги кунда айнан ер билан боғлиқ муносабатларнинг долзарблиги қонунчиликни бакомиллаштириш масаласини талаб этса, қонунлар ижроси, қонунларга бир хилда риоя этилишини назорат қилиш борасидаги вазифалар ҳам олдимизга янги вазифаларни қўймоқда.

Шу нуқтаи назардан, қонунчилик такомиллашуви борасида айрим фикрларни билдириб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикасининг 15.11.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлариiga ер участкаларидан самарали фойдаланиш, соҳадаги хуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-997-сон

Қонуни қабул қилинди.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Фуқаролик ва Иқтисодий процессуал кодекслари ҳамда “Давлат божи тўғрисида”ги Конунига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

### **1. Жиноят кодексининг:**

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодекси” Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодекси” Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон

**CONTINUING EDUCATION: INTERNATIONAL EXPERIENCE,  
INNOVATION, AND TRANSFORMATION.**  
**International online conference.**

Date: 29<sup>th</sup> June-2025

– 229<sup>1</sup>-моддаси (*Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиши*): **биринчи қисми** (*Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиши, шу жумладан ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиши, худди шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*) санкциясидаги **1 йилгача озодликни чеклаш** ҳамда озодликдан маҳрум қилиш жазоси **5 йилгача узайтирилди**; **иккинчи қисми** (*Сугориладиган ер участкаларини уларда қурилиши ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олиши*) санкциясидаги **2 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш жазоси чиқариб ташланиб**, **2 йилдан 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси 5 йилдан 7 йилгача узайтирилди**.

– 229<sup>4</sup>-моддаси (*Ер берииш тартибини бузии*) **биринчи қисми** (*Ер берииш тартибини бузии, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса*) санкциясидаги **3 йилгача озодликни чеклаш ҳамда 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси 5 йилгача узайтирилди**; **иккинчи қисми** (*Ўша ҳаракат “в” кичик банд билан тўлдирилиб, ўша ҳаракат бир гурӯх шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганига доир норма билан тўлдирилиб, санкциясидаги 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш жазоси чиқариб ташланиб 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси 5 йилдан 7 йилгача узайтирилди*.

**2. Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддасига (Жиноят ишининг терговга тегишилиги) қўшимча киритилиб, Жиноят кодексининг 229<sup>1</sup>-моддасида (*Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиши*) назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан амалга оширилиши белгиланди.**

**3. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддаси** (*Табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузии*): **иккинчи қисми** (*Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиши, шу жумладан ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиши*) санкциясидаги фуқароларга БХМнинг 25 баравари, мансабдор шахсларга эса – 50 баравари микдорида жарима **фуқароларга БХМнинг 30 бараваригача, мансабдор шахсларга эса – 70 бараваригача оширилди**;

учинчи қисм (*Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, ажратилган ер участкасига туташи бўлган ва туташи бўлмаган ер участкаларида қурилиши ишларини амалга ошириши*) санкциясидаги фуқароларга БХМнинг 150 баравари, мансабдор шахсларга эса – 300 баравари микдорда жарима

**CONTINUING EDUCATION: INTERNATIONAL EXPERIENCE,  
INNOVATION, AND TRANSFORMATION.**  
**International online conference.**

Date: 29<sup>th</sup> June-2025

фуқароларга БХМинг 200 баравари, мансабдор шахсларга эса – 400 бараваригача оширилди.

**4. Иқтисодий ва Фуқаролик процессуал кодекслари судларда ўзбошимчалик билан эгалланган давлат эгалигидаги ер участкаларини қайтариш ҳамда ноқонуний қурилмаларни бузиб ташлашга оид ишларни кўриб чиқишнинг алоҳида тартибини белгиловчи алоҳида боблар билан тўлдирилди. Бунда:**

ушбу тоифадаги ишларни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланиб, биринчи инстанция судларида – **20 кун**, апелляция инстанция судларида – **15 кун** ичидаги хал этилиши белгиланди;

биринчи инстанция судлари қарорларининг кучга кириш ҳамда улар устидан апелляция тартибида шикоят бериш муддати **10 кунга** қисқартирилди;

ушбу тоифадаги ишлар бўйича **келишув битими** ёки **медиатив келишув** тузилишига йўл қўйилмаслиги назарда тутилди.

**5. “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш киритилиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фуқаролик ва иқтисодий судларга ер тўғрисидаги қонун бузилиши билан боғлиқ ариза киритишида давлат божидан озод этилиши белгиланди.**

Кейинги йилларда мамлакатимизда ерга оид муносабатларда тенглик ва шаффоффликни, ер ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишини таъминлашга ҳамда ер участкалари ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишининг олдини олишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга ерга оид хуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер эгаларининг мулкий хуқуқлари ҳимояси кафолатларини кучайтириш ҳамда мазкур соҳадаги хукуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш зарурияти юзага келди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу Қонун ер участкаларидан самарали ва мақсадли фойдаланишини таъминлаш механизmlарини такомиллаштиришга, уларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва ўзбошимчалик билан иморатлар қуриш ҳолатларининг камайишига, ер тўғрисидаги қонунчилик бузилиши билан боғлиқ қилмишларни содир этганлик учун қўлланиладиган таъсир чораларининг мутаносиблиги ва етарлилиги принципларини таъминлашга хизмат қиласи.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 май куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, суд ва ижро этувчи ҳокимият

**CONTINUING EDUCATION: INTERNATIONAL EXPERIENCE,  
INNOVATION, AND TRANSFORMATION.  
International online conference.**

Date: 29<sup>th</sup> June-2025

органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик фаоллари билан мулоқоти. //  
<https://pm.gov.uz/uz/lists/view/1867>.

2. Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодекси” Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон

3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси.  
<https://lex.uz/docs/3517337>

4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. <https://lex.uz/docs/111453>.

5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 06.01.2020 йилдаги ЎРҚ-600-сон.  
<https://lex.uz/docs/4680944>

